

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 11 март, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (11.107)

Баҳоси эркин нарҳда

ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИДИ

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ 10 МАРТ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ.

Дўрмон қароргоҳида Туркменистон раҳбарини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов шох-супага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат маҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафидан ўтдилар.

Шундан кейин Президентларнинг яқин-яқин суҳбати бошланди. Ислоҳ Каримов Туркменистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларнинг суҳбат ва сифатини оширишга, ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилишини таъкидлади. Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистонга тақлим этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини, маънавий яқинлиқни юксак кадрларини қайд этди. Президентлар бугунги музокаралар Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари тарихига янги, ёрқин саҳифа бўлиб киришига ишонч билдирдилар.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2007 йил октябрь ойидаги Туркменистонга давлат ташрифи асосида эришилган келишувларнинг ижроси кўриб чиқилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатига баҳо берад экан, мамлакатларимиз ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидладилар. Сиёсий соҳада халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик иш юритиш икки томон манфаатига бирдек хизмат қилади. Сиёсий ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда, балки минтақада ўзаро ишонч таъминлашни мустақамлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштиришда ҳам муҳим омили саналади. Иқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика ресурслари ва сув иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, чегарадоғ ҳудудларда савдо-сотиқни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистонда туркман, Туркменистонда ўзбек миллатига мансуб аҳоли истикомат қилиши ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади. Маданият, санъат, илм-фан, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва Туркменистонда яхши замин бор.

Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга эканлиги, истиқлол йилларида янги мазмун билан бойиб бораётгани, бугунги саммит икки халқнинг вақт синиқидан ўтган қардошлиқ ришталарни мустақам эканлигидан ёрқин далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Туркменистон чегарага оид масалаларни оқилона ва амалий ёндашув орқали ҳал қилиб келаётгани қайд этилди. 2004 йили Бухорода бўлиб ўтган саммит асосида фуқароларнинг ўзаро катновлари ва чегарабўйи виллоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи виллоятлари ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат килувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркменистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган эди.

2007 йилда бўлиб ўтган Ашхобод саммитида эса давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу билан мамлакатларимиз ўртасидаги чегара тинчлик, дўстлик, яхши қўшничилик чегарасига айланди. Президентларнинг келишувига биноан ҳуқуқ-тартибот, чегара ва боғжона хизматларининг сай-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириб борилади.

Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам транспорт инфратузилими яхши ривожланган. Мамлакатларимизнинг жўрғойи жойлашуви эса транспорт соҳасида хизмат кўрсатиш даҳминини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу транзит юк ташини ҳамкорлик учун қулай имкониятлар. Ўзбекистоннинг бир йилда Туркменистон ҳудуди орқали ўтадиган юклари ҳажми 2 миллион тоннадан ошди. Туркменистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ташилладиган юклари ҳам шунга яқин. Демак, мамлакатларимиз ҳамкорликнинг бу соҳасида салмоқли тажрибага эга. Бу халқаро транзит соҳасидаги шериклик

алоқаларини ривожлантириш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Нефть-газ соҳаси икки мамлакатда ҳам юқори суръатда ривожланмоқда. Бугун, дунёда энергия манбалари талаб кун сайин ортаётган шароитда дунё давлатлари Ўзбекистон ва Туркменистонга яна ҳам кўпроқ эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз билан нефть-газ соҳасида ҳамкорлик қилаётган, шерикликка киришиш истиагини билдирётган компаниялар сони ортиб бораёттир. Ўзбекистон ва Туркменистон энергетик консорциумлар тузиш, янги қувур магистраллари барпо этиш, нефть ва газ ташини, транзит қилиш, янги конларни ўрганиш ва ўлаштириш йўлида ҳамкорлик учун яхши имкониятларга эга. Хусусан, мамлакатларимиз Каспий-бўйи магистрალი лойиҳасида биргаликда иштирок этмоқда.

Президентлар икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони Ўзбекистонни ҳам, Туркменистонни ҳам қониқтирмайди. Мамлакатларимиз ишбилармонлари мазкур соҳаларда, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги, кимё соноати, сув-энергетика мажмуи, савдо-сотиқ каби қўлпаб йўналишларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириши мумкин. Масалан, сув-энергетика соҳасидаги алоқалар иқтисодий фойда бериш билан бирга, ресурслардан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу орқали экологик мувозанатни сақлаш имконини беради.

Иш одамлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳўқуқий асоси яратилган, бизнес вакилларининг алоқаларини рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилган. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири ҳам товар айирбошлаш даҳминини ошириш, қўшма корхоналарни кўлайитириш.

Ўзбекистонда Туркменистон, Туркменистонда Ўзбекистон товарлари миллий кўргазмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу икки мамлакатнинг салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари билан танишиш учун қулай шароит яратди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида замонавий технологиялар борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас. Вақолаки, бугун дунёда айни шу соҳа энг жадал тараққий этмоқда. У ёқилғи-энергетика мажмуида ҳам, транспорт коммуникацияларида ҳам, бошқа услувор соҳаларда ҳам кенг жорий этилмоқда. Бу йўналишда ҳамкорлик қилиш, тажриба ва ахборот алмашиш хозирги кунда энг долзарб вазифалар сирасига кирди.

Президентлар гуманитар соҳадаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Тошкентда ва виллоятларда туркман миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туркман тилида дарс ўтладиган мактаблар бор. Буларнинг барчаси халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Илм-фан, маданият ва санъат намоёндаларининг мулоқотларини фаолаштириш бу дўстликни янада мустақамлашга муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг гўзал табиати сайёҳликни ривожлантириш учун яхши омили саналади. Икки томонлама сайёҳ алмашувининг ривожланиши сайёҳлик инфратузилимсини тақомиллаштиришда ҳамкорлик жадаллаштиришга, пировардида, бошқа давлатлардан сайёҳ жалб этишининг кўлайишига олиб келади. Ўзаро спорт мусобақаларини ташкил этиш ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб воёга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов ушбу имкониятларни таҳлил этиб, ҳукуматлараро қўшма комиссияга, мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар бердилар.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон-Туркменистон қўшма комиссиясига ҳамда 2007 йил 18 октябрда Ашхобод шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстона муносабатларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисидаги протоколга имзо чекидилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳўкумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган ҳўжалик объектларини фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим,

агросоноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ташки ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислоҳ Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов музокаралар ўзаро ишонч ва ҳўрмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар, кўриб чиқилган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг нўқтаи назари ўйлаш ва яқин эканлиги қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб боришига ишонч билдирилди. Зеро, бундан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдай манфаатдор. Зотан, ҳамкорлик — тараққий-ётнинг муҳим омилдир.

— Ушбу ташрифта Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари ривожланиб, мустақамлашиб бораётганининг ёрқин тасдиғи сифатида қараймиз, — деди Ислоҳ Каримов. — 2007 йил октябрь ойида Ашхободда бўлиб ўтган учрашувлар ва имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги янги муносабатларни қарор топтириш, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш учун пойдевор бўлди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва дастур ушбу соҳадаги истиқболли вазифаларнинг ижро этилишини таъминлайди. Жорий йил бошида Ашхободда Ҳўкуматлараро қўшма комиссиянинг йилгилиги ўтказилгани ҳамда Ўзбекистон миллий кўргазмаси ташкил этилгани савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаолаштиришининг янги имкониятларини очишга хизмат қилди. Бугун имзоланган ҳўжатлар, жумладан, Қўшма комиссия сийёсий мулоқотни мустақамлаш, дўстлик ва ишончга асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Туркменистон битилишлари муштарак эканлигидан яна бир далолат эканлиги.

— Бугунги учрашув Туркменистон-Ўзбекистон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарган Ашхобод саммитининг мантйқий давомидир, — деди Гурбангули Бердимухамедов. — Бу муносабатлар дўстлик, ўзаро ҳўрмат ва манфаатдорлик, амалий ёндашув асосига қурилган. Хусусан, бугун имзоланган агросоноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим қишлоқ ҳўжалиги борасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Туркменистон қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш бўйича катта тажрибага эга, селекция соҳасидаги муваффақиятларимиз ҳам эътиборга лойиқ. Замонавий қишлоқ ҳўжалиги технологиялари бўйича тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Мазкур ҳўжат Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ ҳўжалиги техникасини етказиб беришни ҳам назарда тутди.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф бурди. Бу ерда олий мартабали меҳмон рўзжиятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз ҳуррият бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Туркменистон раҳбари Гурбангули Бердимухамедов Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сийёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Ҳазрати Имом (Ҳасаним) мажмуига ташриф бурди, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйимуборак зиёратгоҳини кўздан кечирди. Олий мартабали меҳмон бу ерда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мамлакатимизда миллий кадриятларни тиклаш ва аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг самараси эканлигини, ИСЕСО томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган замирида чўқур маъно муҳассам эканини алоҳида таъкидлади. Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланган муқаддас Қуръоннинг ноёб кўлемаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Ташаббус — 2008» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида шаҳар ва туманлар босқичлари голиби бўлган 50 дан ортиқ тадбиркор, фермер ва хўнарамандлар ўзларининг энг сара маҳсулотлари билан қатнашдилар.

● Ўзбекистон курилиш ва қурилиш ашёлари соноати қасаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Тошкент шаҳар вакиллиги томонидан Президентимизнинг «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг аҳамиятига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Камолот» ЁИҲ виллоят бўлими ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — JICA ҳамкорлигида «Ўзбекистон-Япония маданиятлари — ёшлар нигоҳида» мавзусида кўргазма очилди.

● Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда республика Таълим маркази ташаббуси билан ташкил этилган «Орол — болалар нигоҳида» республика кўрик-танлови якунланди.

● Жиззахда «Замонамиз ёшлари» номида спорт ва бизнес мажмуаси ўз ишини бошлади. Айтиш кераки, ўсмирлар ва қизлар учун доимий равишда спорт билан шуғулланишга барча зарур шарт-шароитлар яратилган мусассасада шунингдек, бизнесни ривожлантиришга қаратилган хизматлар тизими ҳам фаолият кўрсатди.

● Олтнкўл туманидаги «Мустақиллик-Анджон» хусусий корхонаси мактаб, меҳмонхона ва қўшма корхоналар учун бюортма асосида мебель тайёрлаб бермоқда. Корхона жорий йилдан бошлаб Фарғона водийсининг турли нукталаридан ҳам бюортмалар ола бошлади. Бугунги кунда бу ерда 100 хилга яқин турдаги маҳсулот тайёрланиб, йиллик маҳсулот айланмаси ҳажми 402 миллион сўмга етказилди.

● Наманган туманидаги Бешкапа қишлоғида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби иш бошлади. Замонавий русумдаги спорт зали ва майдончасига эга бўлган бу маскан 30 миллион сўмдан ортиқ микдордаги спорт жиҳозлари билан таъминланди.

● Жиззах Давлат педагогика ҳамда политехника институтларининг 12 мингдан зиёд талабаларига хизмат қиладиган «Ёшлар шаҳарчаси» бунёд этилиши режалаштирилмоқда. Жами 28 гектар майдонни эгаллайдиган ушбу шаҳарчада ёшларнинг турли кўнгилочар масканлари билан бирга «Ёшлар боғи» ҳам барпо этилади.

ЖАҲОНДА

● Испанияда ҳўкумати бўлиб ўтган парламент сайловларида ҳўкуматни бошқариб келаётган Испания социалистик ишчи партияси ишончли галабага эришди. Сайлов якунларига кўра ИСИП парламентнинг 350 ўриндан 168 тасига эга бўлди. Шу партиянинг сийёсий майдондаги асосий рақиб Халқ партияси эса 154 ўринни кўлга киритди.

● Арманистон Президенти Роберт Кочарян жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб Ереванда фавқулодда ҳолат режими ўрнатилиши муносабати билан республикада сийёсий партиялар фаолиятига белгиланган чекловни бекор қилди.

● Сербия муваққат ҳўкумати мамлакатда муддатидан олддин сайловларни 11 мартда ўтказишга даъват этди.

● Кеча Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида террорчи-камикадзенинг портлаш содир этиши натижасида АҚШ армиясининг олти нафар аскарлари ҳаётдан кўз юмди, уч нафари яраланди.

● Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 107,10 доллар даражасига чиқди.

● Эрон шаҳридаги Жанубий Хуросон музофотида бир кунда 17 марта ер силкиниши бўлиб ўтди. Илк содир бўлган зилзила магнитудаси Рихтер шкаласи бўйича 5,1 баллни ташкил этган бўлса, биринчи зилзиладан кейинги олти соат мобайнида 1,9-3,7 балли 16 та ер қимирлаши юз берди. Ер силкиниши оқибатида бир киши жароҳатланди.

● Кеча Буюк Британия кучли довул исканжасида қолди. Атлантика океанидан хурж қилган довул оқибатида 11 минг киши электр қувватисиз қолди. Шамолнинг кучи соатига 130 километрга етди. «Жоана» номи оланган довул натижасида кеча Лондондаги кўплаб самолётларнинг рейслари бекор қилинди. Тахминларга кўра довул етказган зарар 2 миллиард долларга етиши мумкин.

● Кеча Москва областиде «Парамонново» деб номланган замонавий чанги-бобслей мажмуаси очилди. Бу ерда келгусида трамплинлар ҳам бунёд этилади.

● Кейинги 1,5 минг йилдан буён илк бор Ватикандаги Рим католик черкови ўлим жазосига лойиқ гуноҳларни қайта кўриб чиқди. Черков қарорига кўра улар таркибига яна 7 хил турдаги гуноҳлар қўшилди.

● Шри-Ланкада кучли портлаш амалга оширилди. «Франс-пресс» ахборот агентлигининг маълумотига кўра, портловчи қурилма мамлакатнинг Коломбо шаҳри ҳудудидаги кинотеатрнинг кириш қисмида ишга туширилган. Портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлди, уч киши жароҳатланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Киска сатрларда

● **КЕЧАДАН** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги» кунлари бошланди. Ушбу тадбир 17 мартгача давом этади.

● **ҲАМЗА** туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида **ЎТГАН** кун фаол хотин-қизлар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Аёл билан мунавар олам» деб номланди.

● **КЕЧА** тадбиркорлар ва хўнарамандлар ўртасида уюштирилаётган «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

● **ЁШЛАР** йили муносабати билан Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошида ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Иқтидорли ёшлар марказида ўтказилган тадбирда марказ аъзолари томонидан физик атамаларнинг изоҳли луғати яратилганлиги маълум қилинди.

● **РЕСПУБЛИКА** скрининг марказининг бир гуруҳ шифокорлари Россия, Германия ва Япония шифохоналарида малака ошириб пойтахтимизга қайтишди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Хилола» номида 307-мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, тарбияланувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Сизга таъзим, онажонлар» деб номланди.

● **РУС** миллий маданият маркази ташаббуси билан Ҳамза туманида ўтказилган «Катта масленница» байрамда мамлакатимиздаги миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этишди.

● **КАМОЛОТ** ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан туманларда ташкил этилаётган ободонлаштириш, кўккаламзорлаштириш тадбирларида «Камолот» фаоллари иштирок этишмоқда.

● **ШАҲРИМИЗДА** кураш бўйича катталар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида енгил атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионати голиблари ва совриндорлари тақдирланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ:

«ЎЗБЕКИСТОН — ИМОМ БУХОРИЙ ВА ИБН СИНОЛАР ЮРТИДИР»

ШУ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗДА СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ СЕРИН ДИОП РАЎБАРИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ МЕҲМОН БЎЛДИ.

Фарбий Африкада жойлашган ушбу давлат қўшилмаслик сисъатининг катъи тарафдоридир. Сенегал Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 9 январда тан олган. 1995 йилнинг 6 октябрда икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон билан Сенегал БМТ, Ислон Конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сафар асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида учрашув бўлиб ўтди. Сенегаллик меҳмон шунингдек, пойтахтдаги диққатга сазовор жойлар билан танишди.

— Биз жаҳон цивилизацияси тараққиётга улкан ҳисса қўшган ва ҳақли равишда муслмон ҳам-жамиятида муносиб ўрни эгаллаб келаятган Ўзбекистон тўғрисида кўп бора ашитган эдик, — дейди С.Диоп «Жаҳон» ахборот агентлиги мўхбири билан бўлган суҳбатда. — Гарчи бизнинг мамлакатимиз Ўзбекистондан олдига жойлашган бўлсада, ватандошларимиз юртингизни яхши билишсади. Зеро, ҳар бир сенегал оила-сидаги кутубхонадан буюк муҳаддис Имом Бухорий томонидан

тўпланган Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳадисларини топиш мумкин. Биз Ўзбекистонга келиб, ўзимиз учун жаҳон тарихининг янги ва бебаҳо бир саҳифасини кашф этдик.

Сенегал делегацияси раҳбари С.Диоп шунингдек, қуйдагиларни қайд этди: «Юртингизда қисқа фурсат мобайнида бўлишимизга қарамай, мустақиллик йилларида республикада амалга оширилган улкан ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлдик. Иқтисодиёт, таълим ва албатта, ислом илми ҳамда маданиятнинг ўрнини борасидаги ривожланиш суръатлари бизни қувонтирмоқда. Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Тошкент марказида барпо этилган Хазрати Имом мажмуъаси бунинг ақвол тасдиғидир. Биз Барокхон мадрасаси ва Мўйимуборақ муҳаддис қадимжосида, Куръоннинг Усон муҳаддис сақланаётган Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида бўлдик. Ушбу мажмуъани зиёрат қилиш чоғида кўнглимиздан кечирган ҳисларни баён этиш жуда қийин. Куръоннинг нодир қўлемасини томоша қилиш — ҳар бир муслмон учун улкан бахтдир».

«Юртингиз ҳақли равишда ис-

лом фани ва маданиятнинг ўчоғи ҳисобланади. Бутун ислом уммати Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек мамлакат раҳбарияти томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни юксак даражада қадрлайди. Тошкентнинг 2007 йилда Ислон маданияти пойтахти, деб эълон қилинган нафақат Ўзбекистон, балки бутун муслмон дунёси учун муҳим воқеа бўлди.

Шу маънода жорий йил март ойда Дакар шаҳрида бўлиб ўтadиган Ислон Конференцияси ташкилотининг XI саммити бизга мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижаларини сарҳисоб қилиш ҳамда Ислон маданияти ривожини таъминлаш борасидаги ҳамкорликнинг аниқ режаларини белгилаб олишда кенг имкониятлар эшигини очди», — деди С.Диоп.

Махсус вақилининг таъкидлашича, Дакар саммити ишида Ўзбекистон вақилининг делегациясининг иштироки ушбу форум аҳамиятини янада оширади.

Суҳбат якунида сенегаллик меҳмон илиқ қабул учун самимий миннатдорлик билдириб, ўзбек халқига тинчлик-тотувлик ва раванқ тилаб қолди.

Файрат ШУКУРОВ, «Жаҳон» АА

ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ КЎПЛАБ ТАШКИЛОТ, БОШҚАРМА, МУАССАСАЛАР БИЛАН ЎРНАТИЛГАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОМИЛИ ҲИСОБЛанаДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини тегишлири янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Метрология тўғрисида»-ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»-ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қонунлари ижросини таъминлаш мазкур бошқарма зиммасидаги вазифалар сирасига қиради.

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Бунинг учун «Ўзстандарт» агентлигининг Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси, «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» давлат корхонаси билан иш режаларини биргаликда амалга оширишмоқда. Ҳозирда шаҳримиздаги 13 та дехқон бозорларида бошқарма ходимлари ва «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси ҳамкорлигида янги тош ва тарозилар билан таъминлаш масаласини ҳал этиш билан бирга, улардан тўғри фойдаланиш юзасидан амалдаги қонунлар бўйича тушунириш ишларини ҳам олиб боришмоқда.

Жумладан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш максимида мувофиқлик сертификатлари бўлмаган маҳсулотларни савдога қўймаслик, озиқ-овқат товарларини сақлаш меъёрига эътибор қаратиш бўйича тушунириш ишларини амалга оширмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — тадбиркорлар билан юқоридаги масалалар юзасидан стандартлаштириш, метрология хусусида, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан ҳар бир туманда катъий режа асосида ўқув-семинар, йиғилиш ҳамда учрашувлар ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигига таянилади.

Бундан ташқари, пойтахтимизда нон ишлаб чиқариш учун ажратилган ун ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, шунингдек, ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ошириш бўйича ушбу маҳсулотларни тайёрлаб, сотувга чиқарувчи корхоналарда назорат ўрнатилди.

Юқоридаги барча ишлар, албатта истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ички бозоримизни фақат сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Барчамизга аёнки, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан юртимизда давлатимиз раҳбарияти томонидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртовшимиз таъкидлаганларидек, ишлаб чиқариш жадал ривожлантириш учун муштахкам пойдевор яратишда бюджет ва солиқ ислохотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юқини янада камайтириш муҳим роль ўйнайди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, давлат мулкани хусусийлаштириш, яъни хусусий тадбиркорлик, микрофирма ва кичик корхоналар фаолиятини амалга ошириш ва мулкдан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш, саноат, хизмат кўрсатиш, алоқа ва бошқа барча соҳаларда республикамиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш максимида ўзига хос улкан ишлар бажарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини яхшилаш ва микрофирма ҳамда кичик корхоналар шарт-шароитларини янада ошириш максимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонунчи талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига кирувчи солиқ тўловчи юридик шахслар ҳисоб-китобларни Давлат солиқ органларига ҳар ойда эмас, балки ҳар чорада ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар топширилиши белгилаб қўйилди.

«Давлат солиқ хизмати органларининг тадбиркорлик субъектларидан молиявий

Солиқ

ЕНГИЛЛИКЛАР ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ДАСТЛАБИ КУНЛАРИДАНОҚ АСОСИЙ ЭЪТИБОР ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА СОҲАНИНГ МУНТАЗАМ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛДИ. ЧУНКИ, ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ БЎЛМИШ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ЭРКИН РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН МУЛКЧИЛИКНИНГ ТҮРЛИ ШАКЛЛАРИ, АЙНИҚСА, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛанаДИ.

ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»-ги Низомга асосан ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан қуйидаги тартибда тақдим этилиши мумкин:

- а) солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органига бевосита ташрифи орқали. Ушбу тартибда ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи томонидан икки нусхада тузилиб, белгиланган муддатларда давлат солиқ инспекциясининг солиқ тўловчиларнинг ҳисобот ва балансларини қабул қилувчи тегишли бўлинимасига тақдим этилади. б) Почта алоқаси орқали. Ушбу тартибда солиқ тўловчи томонидан ҳисоботлар икки нусхада тузилиб, битта конвертга солиниди ва ўзининг мўҳри билан тамағланади. Конвертга солинган ҳисоботлар, солиқ тўловчилар ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекциясига почта орқали юборилади. в) Электрон ҳужжат айланиши орқали. Ушбу тартибда ҳисоботлар солиқ тўловчи

томонидан электрон шаклларда тайёрланиб, белгиланган муддатларда ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекцияларига электрон алоқа орқали юборилади. Электрон ҳужжатларда тайёрланган ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи ёки уларнинг ахборот воситачиси орқали юборилиши мумкин.

Электрон шаклда қайд этилган ҳисоботлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва ҳисоботларнинг белгиланган шакллари тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни идентификация қилиш имкониятини берадиган мажбурий реқвизитларга эга бўлиши керак.

Электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган ҳисоботлардаги маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш максимида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан маълумотларнинг криптография ҳимояси воситалари қўлланилади.

Электрон шаклда ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчилар ушбу ҳисоботларни қоғоз нусхаларда тақдим этиш мажбуриятига эга эмас.

Айнан бу борада ҳам республикамизда

ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги 157-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор асосида солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни электрон кураинишда юбориш ва солиқ органлари томонидан қабул қилишнинг дастурий маҳсуллари ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирги кунда дастурлар тўлақонли фаолият юритмоқда. Бундан ташқари солиқ тўловчи юридик шахсларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланган маблағлари ва текширишлар режаси тўғрисидаги маълумотларни махсус дастурлар орқали олиш имкониятларининг яратилганлиги ҳам солиқ органлари фаолиятининг масъулиятлигидан далолат беради.

Шунингдек электрон шаклда ҳисоботларни тақдим этиш янги тахрирдаги 2008 йил 1 январдан амалгайта киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 7-бобидagi 43, 44, 45, 46 ва 47-моддаларида кўрсатиб ўтилган. Бу эса ўз навбатида ҳужжат юритувчи субъектларга бир қатор енгилликлар яратилганлигидан нишондир.

Шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш борасида қабул қилинаётган ҳар бир қонуний ҳужжат бу соҳани янада тараққий эттириш учун хизмат қилади.

Акрам РАСУЛЕВ, Ҳамза туман ДСининг катта давлат солиқ инспектори



ХАЛҚИМИЗДА «ХУНАР—ХУНАРДАН РИЗКИНГ УНАР» ДЕГАН МАҚОЛ МАВЖУД. ЗОТАН, ХУНАРЛИ, КАСБ-КОРЛИ КИШИЛАР ҲАМИША ЭЛ-ЮРТИНИНГ ЭЪТИБОРИДА, ЭЪЗОЗИДА БЎЛАДИ. ШУ МАЪНОДА ЮНУСОБОД ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУТАСАДДИЛАРИ МАКТАБ ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ КАСБ-ХУНАР МУАССАСАЛАРИНИНГ ИҚТИДОРИЙ ҲЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН УЙ-РЎЗҒОР, ДУРАДҒОРЛИК ВА МИЛЛИЙ КАСАНАЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИНГ САВДО-КЎРҒАЗМАСИНИ НАМОЙИШ ЭТГАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ИШ БЎЛДИ.

Кўрғазмалар

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

«Юнусобод дехқон бозори» очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир ёш истеъод эгаларининг қобилият, имкониятларини синовдан ўтказишда ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади. —Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг «Ёшлар йили» сифатида эътироф этилиши келажак ворислари учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубчиси Дилором Исмоилова биз билан суҳбатда. — Шу маънода бугунги тадбиримиз ўқувчилар эгаллаган касб-хунарига берилган баҳо бўлиши баробарида уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Кўрғазма давомида ўқувчиларнинг бисер тиқилиш, зардўзлик, гиламдўзлик, дурадгорлик, дўппидўзлик сингари миллий

хунарамандчилик маҳсулотлари намойиш этилиб харидорлар, ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланди. — Бугунги савдо-кўрғазмада ўзимнинг дурадгорлик маҳсулотларим билан иштирок этаман, — дейди тумандаги 12-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Умирзоқ Улуғмуродов. — Миллий хунарамандчилик, хусусан, дурадгорлик соҳасига ёшлигимдан қизиқиб келаман. Ҳозир бу борада маълум тажриба ва кўникмаларни эгаллаган бўлсам, буларнинг барчасини изланишларим, устоз-мураббийларимнинг ибратли маслаҳатлари самараси деб биламан. Мазкур тадбир якунида алоҳида маҳорат ва иқтидорини амалда намойиш эта олган ўқувчилар мутасаддилар томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТДА: бўлиб ўтган кўрғазмадан лавҳа.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ТОШКЕНТДА «ИЖТИМОЙ ИШ» ҲЎҚУВ КУРСИНИ ТАМОМЛАГАН БИТУРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ВА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ.

Кучли ижтимоий сисъат мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик фуқаролик жамиятини қуриш амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан бири. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг қўламини янада кенгайтириш максимида ЮНИСЕФ болалар ташкилоти, Республика Болалар ижтимоий мослашув маркази, Меҳнат ва аҳолини ҳимоя қилиш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида илк бор ижтимоий иш соҳасига ихтисослашган қайта тайёрлаш курслари ташкил этилди. Тошкент Давлат Маданият институти қошида ўтказилган ўқув дастурининг илк тингловчилари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги ижтимоий соҳа муассасалари ходимлари бўлди. Унда тингловчилар соҳанинг бешта йўналишини бўйича ўқув машғулотларида қатнашди.

Мазкур ижтимоий иш курси тингловчилари ўқий давомида аҳолининг кам таъминланган, ердამга муҳтож оила фарзандларига меҳр ва мурувват кўрсатиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда кўнгли ўқсик болаларга ноанъанавий усулларда машғулотлар ўтказиш борасида билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлди.

Тақдирлаш маросимида мазкур курснинг ижтимоий иш асослари, болаларни ҳимоя қилиш, ўсмирлар, ногирон болалар ва оилалар билан ижтимоий иш олиб бориш, мутахассислиги бўйича 52 нафар тингловчиларга диплом ва сертификат топширилди.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

ПОЙТАХТДАГИ “SHODLIK PALACE HOTEL” МЕҲМОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАЛАРИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА КООПЕРАЦИОН БИРЖА ЎТКАЗИЛДИ.

Маълумки 3-4 март кунлари Россия Федерациясининг Урал Савдо-саноат палатаси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Делегация таркибидан металлургия, энергетика ва машинасозлик санаетида тоғ-кон ва нефть-газ қазиб олиш соҳасида қўлланиладиган махсус ускуналар ишлаб чиқарувчи, иш ҳамда озиқ-овқат экспортига ихтисослашган бир қатор компанияларнинг раҳбар ва вакиллари ўрин олган. Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Утган йиллар давомида икки давлат ўртасида савдо айланмаси 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда россиялик сармоҳдорлар иштирокидаги 655 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Россия ҳудудида ўзбек сармоҳси иштирокида 284 та қўшма корхона ташкил этилган. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари савдо, энергетика, сўғурта, молия, нефть-газ, кимё, озиқ-овқат, фар-

мацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва шу каби қўллаб соҳаларда ривожланмоқда. Икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш максимида уюштирилган тадбирда компанияларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбирда металлургия, энергетика, машинасозлик санаетида тоғ-кон ва нефть-газ қазиб олиш соҳасида қўлланиладиган махсус ускуналар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Россия делегацияси аъзолари Фарғона шаҳрига ташрифи давомида Урал Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Фарғона вилояти ҳудудида бошқармаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаш кўзда тутилган.

“Туркистон-пресс”

Иқтисодиёт

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ҲАР БИР МАВСУМДА АСҚОТАДИГАН ПОЙАБЗАЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХИЗМАТИ ВА ЎРНИ БОР. АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРДА ЯРАТИЛГАН, ҚУЛАЙ ВА СИФАТЛИЛИГИ, ЯРАШИҚЛИГИ ҲАРИДОРЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТАДИ.

Ана шуларни эътиборга олган хусусий тадбиркор Эдуард Седих бир неча йил бозорни ўрганиш асосида харидор дид ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда эркак ва аёллар учун замонавий технологиялардан фойдаланиб пойабзал моделларини яратмоқда. Янги йил бошидан иш бошлаган хусусий тадбиркор ишлаб чиқараётган пойабзаллар тури 50 хилдан ортиб, улар пойтахтимиздаги Паркент бозоридаги фирма дўкони орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

—10 нафар уста пойабзалчи фаолият кўрсатаётган кичик цехимиз Туркиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган, — дейди Эдуард Седих. —Асосий хом ашё —пойабзал тайёрлаш учун чармин Россия ва Италия давлатларидан оламиз ҳамда маҳсулотларимиз сифатига, дизайнига, бугунги кун талабига ҳар томонлама жавоб беришига қатъа эътибор қаратамиз. Шу билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳам ҳамкорлик қилиб, улардан чарм хом ашёси оламиз ва Туркия технологиясидан самарали фойдаланган ҳолда пойабзаллар тайёрлашни йўлга қўйганмиз.

Хусусий тадбиркор жорий йилда 15 турдаги янги пойабзал моделларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ниятида изланмоқда, россиялик ҳамкорлар билан ишламоқда. У келгуси мавсумга аёллар ва эркаклар киши этикларининг замонавий моделларини яратмоқда.

Шунингдек, харидорларга қулайлик яратишни ният қилган ҳолда янги фирма дўкони очиб ҳаракатида. Яна асосий мақсадларидан бири эса рақобатбардош пойабзалларни Россия давлатига экспорт қилишни кўзда тутилганлигидир.

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР УСТАСИ

ШУБҲАСИЗ, МИЛЛИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИ ҲИСОБЛанаДИ. УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ, ҲАРИДОРЛАРГА МАНЗУР ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС СИР-АСРОРЛАРИ БОРКИ, БУНИ ЧЕВАРЛИК ЙЎЛИДА ИЗЛАНАЁТГАН, ШАРҚОНА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ МУКАММАЛ БИЛГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ЖУДА ЯХШИ АНГЛАШАДИ.

Хусусий тадбиркор Насиба Даурова ўзи ташкил этган ва замонавий бичиш-тиқилиш дастгоҳлари ўрнатилган кичик цехда 10 нафар аёлларни иш билан таъминлаган. Ёш бўлишига қарамай тадбиркорлик билан иш юритаётган Насибанинг изланувчанлиги самара бериб, унинг дизайни асосида тикилаётган аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечақлари харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, ушбу цехда аҳолидан тушган бюртмалар ҳам сифатли баҳарилмоқда.

—Келажакдаги орузим моҳир дизайнер-модельер бўлиб етишишим, —дейди Насиба Даурова. — Тошкент Политехника касб-хунари коллежиде хунари сирларини эгаллаган ҳолда бугунги кунда хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиш баробарида олийгоҳда ўз билиминини оширяман. Бу, албатта келгусида тадбиркорлик ишини янада кенгайтириб фирма ташкил этишимга ёрдам беради.

Хусусий тадбиркор айна пайтда янги моделлар устида иш олиб бормоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, унинг маҳсулотлари «Чилонзор» буюм бозоридеги савдо расталарида харидорларга тортиқ этилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА БАФИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИДА “ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

“Экосан” халқаро ташкилоти, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси ҳамда “Экофорум” нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур давра суҳбатиде тегишли давлат ва жамоат бирлашмалари, жамғармалар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошидаги экспертлар гуруҳи раҳбари Саидрасул Сангинов, айнқиқса, Оролбўйи минтақасидаги ҳолатнинг мураккаб эканлигини таъкидлади.

— Бизнинг дастуримиз кенг қўламли бўлиб, унда асосан, Оролбўйи минтақаси аҳолисига кумак бериш, Оролнинг қуриши оқибатида келиб чиқаётган хавфли экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган, — дейди Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, JEF агентлиги компоненти директори Убайдулла Нодирхонов. — Дастур доирасида экологик атроф-муҳитни барқарорлаштириш, у ерлик аҳолини иш билан таъминлаш, Орол тубидан кўтарилаётган қум ва тўзонни тўсиш учун ўрмонлар ҳамда сунъий қўллар барпо этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Сўзга чиққан “Экосан” халқаро ташкилоти матбуот котиби Хония Асилбекова, экологик муаммоларни бартараф этишда жамғарма маҳаллий иш олиб бораётганини таъкидлади. Бу аҳолини Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият ҳақидаги хабардорлигини ошириш ҳамда ушбу муаммони бартараф этишга маҳаллий ва хорижий эксперт ва мутахассислар, халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)нинг эътиборини қаратиш имконини бераётди.

— Бу муаммоларни ҳал этишда “Маҳалла” жамғармасининг ҳам фаол

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ШАХРИМИЗДАГИ АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, тарбиячи-мураббийлар ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Тадбирда иштирокчилар А.Ҳидоятлов номидаги драма театри ар-

тистлари Муножат Тешабоева, Доноҳон Бобоқонова, Азиза Бегматова, Дилбар Исмоилова, Шоҳида Узоқова томонидан икки этилган спектакллардан сахналар, жозибали кўшиқларни томоша қилиб бир олам завқ олдилар. Се-

вимили шоира Умида Абдуазимованинг аёлни, Ватанини, баҳорни мадҳ этувчи шеърлари ҳам йирилганлар кўнглини хушнуд этди.

Байрам тадбири якунида ўз фаолияти билан касбдошларига ибрат бўлаётган бир гуруҳ хотин-қизларга Фахрий ёрликлар ва қимматбахо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар



ТУМАНДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАДБИРИ

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ КЕНГ ТУС ОЛМОҚДА. ЗЕРО, АЁЛЛАР ВА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ ЎСМИР ҚИЗЛАРНИНГ СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИ УЛАРНИНГ КЕЛАЖАҚДА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИШЛАРИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ, ШУБҲАСИЗ.

Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ёшлар йили муносабати билан ҳамда Хотин-қизлар кўнига бағишлаб тумандаги «Намуна» спорт мажмуасида аёлларни оммавий спорт тадбирларига кенг жалб этиш, хотин-қизларга хос бўлган спорт турларини ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими, туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Махалла» жамғармаси, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда 25 ёш ва ундан катта ёшли аёл-раҳбар ходимлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил қилинди. Ушбу мусобақаларда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими ва туман маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда хотин-қизлар комиссиялари раисларидан ташкил топган 6 та жамоа, жами 54 нафар хотин-қизлар иштирок этдилар. Жамоалар спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка ва эстафета ўйинлари бўйича ўзаро беллашдилар. Мусобақа натижаларига кўра шахмат бўйича туман халқ таълими бўлимидан иштирок этган 233-мактаб ўқитувчиси Ирина Агафонова, шашка бўйича «Мойарик» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси Дилором Нишо-

нова, стол тенниси бўйича туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасидан Васила Нурмухамедова, эстафета ўйинларида эса туман халқ таълими бўлимидан «Зиёкор» жамоаси ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар. — Хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш туманимизда кенг оммалашди ва қизгин тус олмоқда. Ҳар йили хотин-қизлар байрами арафасида мана шундай спорт мусобақаларини ўтказиш анъанасига айланган,— дейди Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддас Расулова. — Спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад, аввало аёллар ва қизларимизни соғломлаштириш, уларнинг руҳиятини, кайфиятини кўтаришдан иборат. Чунки спортта ошно бўлган аёллар ва ўсмир қизларимиз доимо тетик, бақувват ва соғлом бўлиб, ўқишда ҳам, ишда ҳам фаолликларига эришади. Ўйлаймизки, бу каби тадбирларимизда хотин-қизларимиз бундан кейин ҳам фаол иштирок этадилар ва энг муҳими, ўз оилаларида ҳам бошқаларни спортга ундайдилар, унинг аҳамиятини кенг тарғиб этадилар, албатта.

Дилором ИКРОМОВА

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ОИЛА, УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ГАП БОРГАНДА, ҲАЁТ ТАЖРИБАСИГА ЭГА ОТАХОНУ ОНАХОНЛАРИМИЗ «ОИЛАВИЙ ТУРМУШНИНГ ЗАВҚЛАРИ ВА ЎЗИГА ЯРАША МУАММОЛАРИ ҲАМ БЎЛАДИ, БУ БОРАДА САБ-ТОҚАТ ВА ҚАНОАТ — БАРЧА МУАММОЛАРГА БАРҲАМ БЕРУВЧИ ОМИЛДИР», ДЕЯ НАСИҲАТ ҚИЛАДИЛАР.

Бу ҳаёт ҳақиқатида кулоқ тутасан-да, лекин ҳар доим ҳам амал қиламизми? Афсуски, йўқ. Шу боисдан ҳаттоки кундалик турмушдаги баъзи аризмас муаммолар ҳам кенг жамоатчилик эътиборига кўтарилиб, кўпчилик мушоҳадаси остида хал этилмоқда.

Республика «Махалла» жамғармаси ва унинг шаҳар бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази ҳамкорликда «Гулистон» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбатига айнан шу масала — оилавий ҳаётда пайдо бўладиган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш йўллари хусусида фикрлар ўртага ташланди.

Йигилиш қатнашчилари оилада юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш ҳамда оилаларни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтишди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғинлари таркибидagi яраштириш комиссияларининг ҳам бу борада олиб бораётган фаолияти эътиборга лойиқдир. Йигилишда бундай комиссияларни ҳаётий тажрибаси юқори бўлган оқсоқоллар бошқариши тақлифи киритилди.

— Шу билан бирга, — деди жумладан тадбирда сўзга чиққан шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, — маҳалла том маънода ижтимоий муҳофазага муҳтож, айниқса муаммоли оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериш имкониятига эга бўлган ўзини ўзи бошқариш тизими эканлигини унутмаслигимиз керак.

Шаҳар Адлия бошқармаси мутахассиси Б.Рўзиева оилавий ҳаётнинг юридик жиҳатлари тўғрисида ахборот берар экан, кейинги йилларда ажримлар сони кўпайиб бораётганлигини қайд этди. Дарвоқе, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Собир Раҳимов туманида ёшларни оилага тайёрлаш ўқув курслари, «Келинлар мактаби» доимий фаолият юритаётгани, яқинда ҳаттоки «Қайноналар мактаби» ҳам ўз ишини бошлагани, шубҳасиз, келажакда самарасини бериши ва бундай тажрибадан бошқа туманлар ҳам унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Нозимжон ҲАСАНОВ

ДИПДАГИ ГАПЛАР

Тунов куни катта набирам: «Бобо, киш бўйи уйда ўтириб зерикиб қолган кўринасиз. Машинада бир шаҳар айлантириб келайми?» деб қолди. Дипландаги гапни топиб айтдинг бўтам, қошиқ эди шундай қилсанг. Баҳор ҳавосидан тўйиб нафас олиб қайтардик дедим.

Бобо-набира йўлга чиқдик. Қаричилик. Анчадан бери кўчага чиқмаганимга ёки кўккам боисини ишқилиб йўл-йўлакай боряпману атрофдаги ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушаман. Шаҳримиз кўчалари шу қадр гўзаллашиб кетибдики, кўриб кўзинг қувнайди.

— Қай томонга олиб борай, бобо,— сўрайди набирам йўл-йўлакай. — Олдин бир Ҳасимом мажмуасини зиёрат қилайлик, бўтам,— дейман набирамга.

— Майли бобо, — дейди у. — Шу жой қайтадан бунёд этилгандан бери уни тузук-қуруқ кўздан кечирмадим. Шу баҳона мажмуа билан яқиндан бир танаишай.

Қорасарой бўйлаб кетдик. Кенг ва раван йўллар озода. Йўл чеккаларини баҳорий неъматлар беазаган. Бироз юргач, ўнг томонда қад ростлаган қадимий мақбараларга кўзимиз тушди.

— Етиб келдик, — деди набирам машинасини бир четда тўхташиб.

Кенг сайхонлик. Ҳаммаёқ кўм-кўк майсазор. Атрофга ўтиргичлар қўйилган. Рўпарада ақл бовар қилмас, бетакор обидалар. Уларни бирма-бир айланиб, адоғига етиб бўлмайди. Агар ростини айтсам ўзига хос бир шаҳарга айланибди бу ер. Нақшинокор бинолар хуснига хусн қўшиб турган баҳайбат ус-тунларни кўриб уларни бунёд этган ус-тазодаларга, қурилишининг ташаббускорларига беихтиёр тасаннолар айтаман. Бир дунё таассуротлар билан мажмуани тарқ этдик.

— Энди сизга Мустақиллик майдонини кўрсатаман, — деди набирам. Йўлни шу томон олдик. Дам олиш кўни бўлгани учунми майдон оdatдагидан гавжум эди. Турна қатор кетган фавворалар оралаб юқорилаб бордик. Баҳор фасли, ҳаво тунд бўлишига қарамай, теварак атроф одамлар билан гавжум. Узун йўлқалар, атроф кўкаламзор, арчазорлар. Табаррук манзилни беазаб турган Сенат биноси атрофга улғуворлик бағишлаб турибди. Бинонинг қордек оппоқ кўриниши уни янада гўзаллаштириб юборган. Майдонда ўз йўналишига эга бўлган ҳар бир бино эзгулик сифатида кўзга ташланади. Эзгулик аркаси атрофидagi янгиланишлар шу замин кишиши қалбини гурурга тўлдирди. Арка теласига парвозга айланган қушининг қўниб туриши, гўё бизга ҳар баҳор кут-баракати олиб келадиган турналар парвозини эслатади. Аркадан ўтиб бироз юрсангиз бахтиёр она ёдгорлигига дуч келасиз. Мунис ва меҳрибон она эркатой боласини авай-

лаб кучоғига олиб ўтирибди. У чиндан ҳам бахтли, чунки эркатойи эркин замонда, Мустақиллик қўши барқ урган даврда туғилди. Оналар фарзандларининг ҳамиша тинчлиги, осойишта, фаровон юртда осуда ва соғлом яшашини исташади. Бу барча оналар учун буюк ва суюқ бахт.

Ууллас бир сўз билан таърифлайдиган бўлсам Мустақиллик майдони барчамизни шу муқаддас заминни авайлаб-асрашга, ҳар бир каттадан кичикини юртим деб, элим деб ёниб яшашга ундайди.

Майдондан ўтиб Сайилгоҳ томон йўл олдик. Бу жой нафақат кичикинтойларнинг, балки катталарнинг ҳам чинакам дам олиб, кўнгили хордиқ чикариш манзилга айланган.

Охирги манзилимиз Амир Темур хиббони бўлди. Шу ерда бироз хордиқ чикариб орқага қайдик. Ушбу файзли кўнарда, албатта барчамиз ўз уйлари-миз, қорхоналаримиз атрофини ободу кўкламзор қилишимиз лозимлиги беихтиёр ҳаёлимдан ўтди.

Истардикки, баҳор барчани далага

келмадинглар. Онаизорнинг ёлғизлигини билдирмадик. Бутун маҳалла кўмди. Маърақалар учун кетадиган барча харажатларни ён кўшишни Исроилжон зиммасига олди.

— Айтдимку, ноилжон қолдик деб. Ҳаммаларингга раҳмат. Онамиздан қолган бир хонали уйни сотасан сизларни ҳам қуруқ қўймасиз ахир.

Келиннинг ташрифидан асл мақсадига оқсоқол энди тушунди. У билан гап сотиб ўтириш беҳуда эканлигини билиб дангалга ўтди.

— Уйни сотиш учун кечикдингиз келин. Кампирдан қолган уйнинг эгаси бор ҳозир. Билсангиз Ҳанифа хола икки-уч йил ётиб қолдилар. Онахоннинг ҳолидан, иссиқ-совуғидан Исроилжоннинг оиласи хабардор бўлиб турди. Кампир кўзи тириклигида уйни шу меҳрибон қўшинининг номига расмийлаштириб берган экан.

Рухсоранинг ранги оқарди, гезарди.

— Вой ёлғиз ўғли, келини, набиралари бўла туриб нега уй етти ёт бегона бир кишига расмийлаштириб берилди. Ахир сизлар нега қараб турдинглар. Уша Исроилжоннинг кампирга берган уч-тўрт қоса қовиндисини

бундан бошли уйга эгалик қиладими? Уйнинг ҳужайини борку ахир.

— Келин, энди буни биз эмас, суд ҳал қилади. Боринг, ўшаларга учрашинг. Агар улар сизнинг номингизга ажрим чикариб берса ана ундан кейин ихтиёр сизда. Сотасизми, қоласизми, ўзингиз биласиз. Рухсора жаҳл билан идорани тарқ этди. Беш-олти кун елиб-югурди. Исроилжон билан учрашиб талашиб-тортишди. Мақсадига эришолмагач ана оқсоқол хузурига келди.

— Мен кетяпман. Энди уқангизнинг ўзлари келиб масалани ҳал этиб кетдилар. Кўрамиз, у кишига нима деб жавоб берар экансизлар.

Йўқ, Қодиржон келмади. Рухсора ҳам шу кетгандан бошқа қайтмади. Ҳар қалай эр-хотин маҳалла-қўй ўртасида яна такрор шарманда бўлишни хоҳлашдади шекилли, тақдирга тан беришди. Яна ким билсин.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Яхши дўст — туганмас хазина. Дўстлик ҳаётдаги энг зарур нарсаси. Гарчанд умримиз роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч биримиз ҳаётимизни дўстсиз тасаввур эта олмаймиз. Лекин дўстлар ҳам ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида ҳақиқий дўстни танлаш ҳам ҳар биримиз учун муҳимдир.

Донишманддан сўрашди: — Дўстлардан қай бири сизга ёқади ва биродарлик даражасига етади? Қай бирига қулайроқ муҳаббат қўйишимиз керак?

У шундай жавоб берди: — АЙБ ҚИЛСАНГ ЯШИРАДИГАН, УЗР СЎРАСАНГ КЕЧИРАДИГАН ҲАЛОЛ, РОСТГҲЎЙ ДЎСТ ҲАҚИҚИЙ МУҲАББАТГА ЛОЙИҚ ДЎСТ ХИСОБЛАНАДИ.

Бу гапга изоҳнинг ҳожати йўқ.

ТАЪЛИМ

МАРКАЗНИНГ ВЕБ-САЙТИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИКА ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИДА УЮШТИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛАНМОҚДА.

Бу ерда ўтказилган навбатдаги анжуманда Зиё Нот тармоғидан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Ўқувчилар техник ижодиёти марказларини мазкур тармоққа жалб этиш борасида жойларда орттирилган бой тажрибаларни оммалаштириш режаси ҳам белгиланди.

Анжуман доирасида республика ўқувчилар техника ижодиёти марказининг веб-сайти ишга туширилди. Эндиликда унинг жойлардаги марказлар билан интернет алоқаси кенг йўлга қўйилади.

ЁШЛАРНИНГ ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРГА ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ КЕЛМОҚДА.

Бу ерда уюштирилган «Ёшларнинг дўстлик кўприги» деган анжуманга Москва Давлат университети, Губкин номидаги нефть ва газ Давлат университети ва Тошкент филиаллари талабалари ҳам тақлиф қилинди.

Россия иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳар филиалининг бу каби сайё-харажатлари «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими раҳбарияти эътиборини қозонди. Филиал раҳбарияти номига ёзилган миннатдорчилик мактубида бўлим талаба ёшлардан бир неча нафари Фахрий ёрликлар билан тақдирлангани изҳор қилинди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

БУНДАДАН ЎН ЙИЛ АВВАЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА БАНК ТИЗИМИ БЎЙИЧА ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ЭДИ.

1996-1997 ўқув йилида очилган дастлабки банк коллежларида «Банк иши», «Бухгалтерлик ҳисоби», «Менежмент» каби йўналишларда ёш кадрлар ўқуви ташкил этила бошланган эди.

Ўтган шу давр мобайнида уларни 20 минг нафардан ортиқ ёш мутахассис биттириб чиқди. Айни вақтда мазкур ўқув марказларида банк-молия секторини ривожлантириш дастлабки бўйича илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилиб, қатор ўқув адабиётлари босмага тайёрланди. Ўзбекистон Банкар уюшмасидан маълум қилишарича, ёш мутахассисларнинг ақсарияти шу тизим йўналишида меҳнат қилишмоқда.

АКБАР АЛИЕВ

“ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ҲУНАРДАН ФАЛСАФАГАЧА”

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЧИЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИДА “КЕЛАЖАК ОВОЗИ” ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА “ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ ҲУНАРДАН ФАЛСАФАГАЧА” МАВЗУИДА ИЛМИЙ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Унда институт олимлари, профессор-ўқитувчилари, рассомлар ҳамда талабалар иштирок этди. Баъдий ижод санъатининг биргина намунаси ҳолос. Шу соҳа мутахассислари эса барча санъатларнинг илмий асосини билиши ҳамда таҳлил қила олиши лозим. Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида ҳар йили анъанавий ўтказиладиган анжуман талабаларнинг ўзига хос фикрларини, назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзаро уйғунлиқда шакллантиришга қаратилган билан аҳамиятга эришди. Анжуман доирасида чоп этилаётган ўқув услубий қўланмалар миллий санъатшунослик, танқид, баъдий амалиёт ва ноанъанавий санъат турларини англаш ҳамда тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Замонавий санъат ҳунардан фалсафагача” мавзусидаги анжуман маърузачиларнинг фикрича, санъатда аёл сиймосига кўп мурожаат этилсада унинг философия тамойиллари илмий таҳлил қилинмаган. Анъанавий ва замонавий санъат эса асл шакл ва моҳиятини сақлаган ҳолда ўзаро уйғун ривожлантирилади. Анжуманда маърузачиларнинг илмий тажрибавий ишлари санъатшунослар, олимлар, рассом ва ўқитувчилар қатори талаба ёшлар томонидан ҳам бевосита баҳолаб борилди. Ғолиблар эса санъат соҳасидаги энг сўнгги адабиётлар билан тақдирланди.

РУСТАМ ХАЙДАРОВ, “Туркистон-пресс”

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 49-ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА “УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАН ДАСТУРЛАРНИ ТАЖРИБА-СИНОВДАН ЎТКАЗИШНИНГ 1-ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯҚУНИ ВА 2-ЯРИМ ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ” МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Республика Таълим маркази, туман Халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда ҳудудий тажриба-синов майдончаси, туман меҳнат таълими ўқитувчилари иштирок этди.

Ушбу таълим дастури 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб амалиётга киритилган бўлиб, унда дастлаб умумтаълим мактабларининг 1 ва 2-синф ўқувчилари синовдан ўтказилган эди. Бугун эса бу дастурда 4-синф ўқувчилари ҳам иштирок этиб, пазандачилик, чизмачилик, қоғоз ва пластлиндан ҳар хил кўринишдаги шакллари ясаш ҳамда тикиш-бишиш сирларини ўрганишаётди.


— Мен жуда кўп нарсаларни ўргандим, — дейди 4-синф ўқувчиси Эъзова Алимова. — Айниқса, пластлиндан ҳар хил эртақ қархонларини ясаи оламан, нақшлар, нима қадағиқ ёстиқча тикишни биламан. Яна дарслар давомида турли чокларни тикишни ўргандик.

Дарҳақиқат, таълиқ этилаётган мазкур таълим дастурининг асосий мақсади ҳам ўқувчиларнинг билимларини ошириш билан бирга уларнинг билим ва кўникмаларини амалиёт билан боғлашга қаратилган.

Дастур режасига киритилган меҳнат фани бўйича биринчи ярим йиллик якунига яқинлиги бағишланган семинарда иштирок этганлар ҳам яқин услубдаги ўқув дарслари ўқувчиларнинг маълум бир касб-ҳунарга меҳр-муҳаббатини уйғотишда катта аҳамиятга эга. Зеро, ёшларнинг қобилиятларини топиб, тўғри йўналтирилса, бу эртага ўз мевасини бериши, шубҳасиз.

Анжуманда соҳада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси режалар белгиланиди.

СУРАЙЁ МЕЛИКУЛОВА, “Туркистон-пресс”



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Тойди йўлдан чунки у кўзсиз сўқир, Бул йиқилмиш чоҳ аро кўзларда нур.

Чопқир от устиди ўлтирган киши, хушёр бок, Хас-тикан ортган эшак ботқоққа ботмишдир шу чоқ.

Кирма қашшоқ кўшнинг уйига олов-оташ учун, Мўридан чиққан қаро дуд охи зоридин тутун.

Кўриб ботқоққа ботган жониворни, Юракдан раҳм эту бошига борма. Агар борсангу ахволини сўрсанг, Белинг боғлаб, думин торт, дам чиқорма.

Уламо, эшонлар бўлса дилозор, Хушхулқ аскар ундан яхшироқдир юз бор.

Бемуруват, хунук арига айтгил: «Асал бермасанг ҳам, нишингни санчма».

Ўзинг топиб еган сиркаю пиёз, Оқсоқолнинг нону баррасидан соз.

Табигга кўрсатмай касал томирин, Тузалмоқ хаёли хомдир, хушёр бўл. Билмаганинг сўра, сўраш номуси, Билки, билимдонлик ва хурматга йўл.

Нодон қаторига кўшасан ўзинг, Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам.

Ақллик бўлса гар, жавоб беради Фақат ундан савол сўралган замон. Гарчи ҳақ бўлса ҳам серганнинг сўзи, Гапларин ёлгонга жўйишар осон.

Кимга одат бўлса рост гапиришлик, Барча ишонади қилса ҳам хато. Ёлгончилик билан номи чикса-чи? Ҳеч ким ишонмас рост гапига ҳатто.

Хасислар на емай, на ичай деяр: «Еб-ичмақдан орзу яхши дунёда!» Бир кун душманларин орзуси билан, Ўлиб кетар, бойлик қолар зиёда.

Куч-қувватга эга ҳар қандай билак, Ожиз кўлин шартта узмас қиличдек.

Солмагил заифлар дилига алам, Зўрроқнинг жабрига йўлиқма сен ҳам.

Фаридун фармон этмиш хитой наққошларига, Тикинг деб чодиримга ипак ила шпор: «Хушёр эсанг ёмонга яхшилик қил доимо, Фақат яхши кишилар улугвору бахтиёр!».

Яхши билсанг бериш керак нарсани, Жаҳл қилмай бергил лутф ила хуррам. Ким хоҳиши билан хирож бермаса, Куч билан олишар миршаб ҳақин ҳам.

Фозил агар бўлса бахиллик иши, Эртаю кеч таъна қилур ҳар киши.

Юз гуноҳи бўлса қарам соҳибин, Айби ёпилгайдир шу эҳсонидин.

Қози биз билан ўтирса, ўзи ҳам чалгай чапак, Мухтасиб ўзи май ичса, қилмагай мастни ҳалак. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Бектемир туман давлат нотариал идораси нотариуси Зухра Маҳмудова Файзиёвага онаси МEXPI аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси бошқарма Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси Гўлбой Баллиевага волидаи муҳтарамаси ОЙДИН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида самбо бўйича спорт устаси сифатида кўлаб нуфузли мусобақаларда қатнашиб бир неча бор ғолиблик шохсупасига кўтарилган Ботирбек Маъдалиев ўғли Ботирбекиннинг спортга бўлган қизиқишини сезиб уни пойтахтимиздаги «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятига олиб келди. Бу ерда таниқли мураббий Шухрат Тўраев хали ўн ёшга тўлмаган болакайга устозлик қила бошлади.

Жамиятга спортнинг дэюдо, самбо, бокс, кикбоксинг, футбол, енгил ва оғир атлетика турлари бўйича ўтказиладиган машғулотларда болалар ўзларини кўрсатишга, устозлари ўргатаётган усулларни тезроқ ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишарди. Ботирбек ҳам тенгдошлари орасида мураббийнинг айтган гапларини бажаришда, самбо усулларини тезроқ ўзлаштириб олишда ўзини кўрсатишга ҳаракат қиларди.

«Интилганга толе ёр» деганларидек, тинимсиз машқлар самбо сирларини ўрганишда Ботирбекка қўл кела бошлади. Тиришқоқлик, бир мақсад йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлар аста-секин ўз мевасини берадиган онлар яқинлаша бошлади. Кунларнинг бирида Шухрат Тўраев «Динамо» мажмуасида ўқитувчилар ва мураббийлар байрамига бағишлар ўтказиладиган масъулиятли мусобақада Ботирбекиннинг ҳам иштирок этишини унга айтди. 1988-1990 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги мусобақада илк бор қатнашган Ботирбек фахрли учинчи ўринни эгаллайди. Бу унинг спорт соҳасида эришган дастлабки ютуғи эди. Бундан хурсанд бўлган мураббий ўз шогирдида самбо бўйича машқларни янада қизгинлик билан олиб боришини, ундан яхши самбоник чиқишини айтди.

Устознинг бу гапидан, унга билдираётган ишондан руҳланган Ботирбек бутун иродасини ишга солиб, тинимсиз машқларни бажаришда давом этди. Унинг бу ҳаракатлари пировард натижада ўз меваларини бера бошлади. Ботирбек пойтахт биринчилиги учун ўтказилган қатор мусобақаларда қатнашиб фахрли ўринларни эгаллади. Лекин унинг бирдан бир ораси — нуфузли мусобақаларда фақат шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилиб, устози билдирган ишончини оқлаш эди.

«Яхши ният — ярим давлат» деганларидек, Ботирбекиннинг ўз олдига қўйган эзгу мақсади, яхши нияти йўлида қўйган қадамлари кутлуг бўла бошлади. Ўқувчиларнинг киши таътили муносабати билан ўтказилган Тошкент шаҳар биринчилигида нихоят биринчи ўринни эгал-

лади. Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Тожикистон, Қозоғистондан келган рақибларини доғда қолдириб, хурмат шохсупасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Халқаро турнирларда иштирок этиш масъулияти кучли эканлигини уқтирган устознинг ўнгитларига амал қилиб Ботирбек самбонинг мураккаб усулларини ўзлаштириб олиш учун излашда давом этди. Унинг натижалари республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини берадиган саралаш мусобақасининг «Динамо» мажмуасида ўтказилган чоғда намойён бўлди — Ботирбек биринчи ўрин

ва мусобақанинг юқори шохсупасига кўтарилиб Ўзбекистон чемпиони деган сарфали номга сазовор бўлди. Унинг бу ютуғи билан Ўзбекистон спорт устаси талабларини ҳам бажарди.

Ҳа, ёшлиқидан спортнинг самбо турига қизиққан Истиклол тенгдоши Ботирбек Эргашбеков ўн етти ёшида нихоят ишончини сарф билан оқлади. Келинг, энди Ботирбекиннинг бу ғалабаларига билдирилган дил сўзларига қулқ тутаилдик.

Шухрат ТўРАЕВ, Ботирбекиннинг устози: — Устоз учун шогирдининг ютуғини

рибмиз. Очиги, маҳаллаимиздан Ботирбекдек чемпиони этишиб чиқаётгани хақидаги хушхабарни эшитиб бошим осмонга етди. Демак вояга етаётган фарзандларимиз орасида турли соҳаларда бўлган каби миллат довуғини оламага ёздиган, спортда ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган Ботирбекдек истеъдод соҳиблари кўплигидан фахрланамиз.

Дурдона МАЪДАЛИЕВА, Ботирбекиннинг онаси:

— Ҳамма оналар номидан Президентимизга мингдан минг ташаккурлар айтаман. Ёшларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона ва доно сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани ўсиб келаётган авлодга кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Буни кунни кеча Ўзбекистон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлган ўғлим Ботирбек ва акасининг изидан бораётган самбоник ўғлим Ҳумоюнбеклар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Истиклол туфайли фарзандларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, ҳеч қимдан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни исботламоқдалар. Бу нарса айниқса, Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда ўзининг амалий исботини топишига қатъий ишонамиз...


— Оразим Ўзбекистон чемпиони бўлиш эди, унга эришдим, — дейди Ботирбек Эргашбеков. — Эндиликда самбо бўйича ўсмирлар ўртасида бу йил Тошкентда ўтказиладиган жaxon чемпионати ва Сингапурда бўладиган Осиё чемпионати мусобақаларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси азоси сифатида мустақил юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Биз ҳам Ботирбек Эргашбековга оидин орзулари ушалишига тилқ билдирган ҳолда «Оқшом» мушаррийларига яна бир гапни айтиб қўйишни лозим топдик. Ўзининг матбуот саҳифаларидаги кўплаб чиқишлари билан сиёс, азиятларга яхши таниш бўлган каминанинг бугун невараси чемпион бўлганлиги хақидаги дил изорларини ноқамтарликка йўлмаслигинизга умид қилиб, юртимиздаги барча болаларнинг мен шохиди бўлган қувончи, шуккули дамларнинг гувоҳи бўлишларини Яратгандан сўраб қоламан.

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими СУРАТДА: Ўзбекистон чемпиони Ботирбек Эргашбеков

2008 — Ёшлар йили БОБИРБЕКНИНГ ОЙДИН ОРЗУЛАРИ

ХАЛҚИМИЗДА БИРОР СОҲАДА ЎЗ ИСТЕЪДОДИНИ, САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТГАНЛАРГА НИСБАТАН «ҲА, ЭНДИ ҚОНИДА БОР-ДА», ДЕГАН ЖУДА МАЪНОЛИ ИБОРА ИШЛАТИЛАДИ. БОБИРБЕКНИНГ ЧЕМПИОН БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ХУШХАБАРНИ ЭШИТГАНЛАР ҲАМ ШУНДАЙ ДЕЙИШДИ...



соҳибига айланди. Бу ютуқнинг диққатга сазовор томони шундаки, унда 1-ўринни эгаллаган самбоникчи республика биринчилиги, яъни чемпионлик унвонини олиш учун бўладиган мусобақада қатнашар эди. Шундай шарафга эришган Ботирбеки энди янада масъулиятли мусобақалар кутар эди...

Мана, нихоят Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилнинг февралда кўҳна ва навқирон Бухорои Шарифда ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Ботирбекиннинг орзулари ушалди. Мусобақада Қорақалпоғистон, республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридан 1990-1991 йилларда туғилган ўсмирлар ўз вази тоифалари бўйича самбо мусобақаларида қатнашдилар. Унда 56 килограмм вази тоифасига эга бўлган Ботирбек Эргашбеков мусобақанинг финал босқичида Андижон, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидан келган рақибларнинг енгил финалда самарқандлик тенгдоши устидан соф ғалабага эришди

кўришдан ҳам ортиқ бахт борми, дунёда! Ботирбекиннинг Бухоро шаҳридаги республика биринчилигидаги зафари мени гоёт севинтирди. Спортнинг самбо турига меҳр қўйган шогирдимнинг келажақда халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб тарзда ҳимоя қилишига ишонаман. Унинг катта иқтидори менинг ана шундай дейишимга тўла асос бўла олади.

Турсунхўжа ЭРГАШЕВ, Собир Раҳимов туманидаги «Гузариш» маҳалласининг оқсоқоли, «Эл-юрт хурмати» ордени нишондори: — Бутун юртимизда бўлгани каби бизнинг маҳалламизда ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, айниқса болалар спортга бўлган доимий эътибор баркамол авлод тарбиясининг муҳим асоси эканлиги мажмуатимизда фарзандларимизга кўрсатилаётган беқиёс ғам-хўрликларга ҳар кун гувоҳ бўлиб ту-

Спорт янгиликлари ПЕШҚАДАМЛАР ОЧКО ЖАМҒАРИШДИ

МАМЛАКАТ ХҲИИ МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТНИНГ 2-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ҲАМ ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАР ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ — «ПАХТАКОР» ВА «ҚУРУВЧИ»ГА МУҲИМ ОЧКОЛАРНИ ҲАҚИДА ЭТДИ.

Андижонда олий лиганинг янги вакили «УзДонгЖу» жамоаси билан беллашган Равшан Ҳайдаров шогирдлари Зайниддин Тожиев томонидан биринчи бўлимида киритилган ягона гол эвазига муҳим ғалабани қўлга киритишди.

Тошкентда Юрий Саркисян бош мураббийлигида «Нефтчи» жамоасига қарши тўп сурган «Қурувчи» командаси тан олиш керак, ҳужумкор, чиройли ўйин намойиш этди. Бу эса ўз самарасини бермай қолмади. Мухлислар шу кун 90 дақиқа мобайнида тўртта голнинг гувоҳига айланишди. Тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этган Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмонларни 3:1 ҳисобида мағлуб этиб очколари сонини олтигага етказиб олишди. Дарвозаларга тўпларни «Қурувчи»дан Жепаров, Бақоев (2 та) «Нефтчи»дан Бердиев киритишди.

Ўтган йилги мавсумда 14-поғонани эгаллаб, аранг олий лигада қолган пойтахтнинг яна бир жамоаси «Локомотив» ўз майдонида «Насаф»ни қабул қилди. Ҳужумларга бой, шиддатли курашлар остида кечган баҳсда дарвозалар даҳслислиги саклини қолди ва тошкентликлар иккинчи марта дуранг натижани қайд этишди.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Шўртан» — «Бухоро» — 2:1, «Динамо» — «Сўғдиёна» — 0:1, «Машъал» — «ОТМК» — 2:0, «Металлург» — «Қизилқум» — 1:2, «Навбахор» — «Андижон» — 0:0.

(Ўз муҳбиримиз)

БИРИНЧИЛИК НИҲОЯСИГА ЕТДИ ПОЙТАХТИМИЗДА «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИ СУВ СПОРТИ САРОЙИДА СУВГА САКРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА 1992-1993 ЙИЛЛАРДА ТУГИЛГАН 76 НАФАР СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН БЕЛЛАШДИ.

Бир метр балангликдаги трамплиндан сакраш бўйича қизлар баҳсида кучли уқлик тошкентлик Кристина Амирасланова, жиззахлик Елена Чернишова ҳамда пойтахтлик Диана Рамазоновадан таркиб топди.

Ўсмирлар ўртасида эса Жиззах вилояти вакили Шохруҳ Беғалиева етадигани топилмади. Қолган совринли ўринларни Темуэр Сатторов (Тошкент) ва Озод Беғалиев (Жиззах) эгаллади.

Беш метрли трамплиндан сакраш бўйича Анастасия Хоменкова (Тошкент) мамлакат чемпиониликка сазовор бўлди. Кристина Амирасланова иккинчи, олмаликлик Дарья Каширская учинчи ўриндан жой олди.

Ўсмирлар ўртасида голиб ва совриндорлар учлигини Темуэр Сатторов, Азиз Ғуломов (Олмалик) ҳамда Григорий Филиппов (Тошкент) ташкил қилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БАҲСИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИА ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИ СПОРТ МАЖМУИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗДАН ТАШҚАРИ, ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН ҲАМДА ҚИРГИЗСТОНДАН КЕЛГАН ЖАМИ ИККИ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилардан турли масофаларга югуриш бўйича андижонлик Гўзал Сатторов ва икитая, самарқандлик Зарина Тоирова ҳамда тошкентлик Азим Курбонов биттадан олтин медални қўлга киритди.

Қизлар ўртасида 200 метрга ўтказилган эстафетда Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, пойтахтлик Валерия Канатова уч хатлаб сакрашда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, ядро улоқтиришда Анастасия Свечникова (Тошкент)га тенг келадигани топилмади.

Боҳир БЕК

ФЕСТИВАЛЬ ЯҚУНЛАНДИ

МИЛЛИЙ САҲЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҲЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА «ОСИЁ РАМЗИ» МОДЕЛЬЕРЛАР УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «БОЛАЖОНЛАР — ШИРИНТОЙЛАР» БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ ЯҚУНЛАНДИ.

Пойтахтимизда уч кун давом этган ва маҳорат, гўзаллик байрамга айланган ушбу фестиваль болалар модаси соҳасидаги янги йўналишларни очиб берди. Тадбир мобайнида мамлакатимизнинг етакчи дизайнерлари ўзларининг янги ишларини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар, ўзаро фикр ва таъриба алмашдилар.

Фестиваль кунлари либослар эскизларининг кўргазмаси (чизмалар танлови), болалар кийимларини лойихалаштириш ва тайёрлаш жараёнини тақомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференция, кичинтойлар, ўсмирлар, ёшлар, бўлғуси оналар кийимлари модаларининг намойиши бўлиб ўтди. Тадбир доирасида юртимиз ҳамда хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Мода байрами доирасида ўтган дизайнерлар танловида иштирокчиларга «Битирув кечаси», «Булажак оналар», «Мақтаб формаси», «Шаҳримиз кўчалари», «Миллий услуб», «Дадил қарор» каби йўналишларда ўз ижодий салоҳиятини намойиш этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Фестивалда муваффақиятли қатнашган Сардор Жўрабоев, Наргиза Аҳмедова, Карена Шахназарова, Салима Шомансурова, Шаҳзода Насриддинова, Камола Камоллова, Мадина Мухторова, Нозима Қаринова, Нодира Рихиева, Мастура Баҳоидорова, Гулнора Рамазонова, Раҳматулла Шарипов, Лариса Беля, Дилдора Авезова, Саодат Рустамова, Севара Зуннунова, Зулфия Раҳматуллона, Элеонора Ризаева, Рушана Мўминова ва бошқа иштирокчилар дил-



ломлар билан тақдирланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, Ўза муҳбири Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган сурат

Шифокор оғоҳлантиради

СУВЧЕЧАКДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

СУВЧЕЧАК КАСАЛЛИГИ ЎТҚИРИ ОҚУМЛИ КАСАЛЛИК БЎЛИ, ВИРУС ОРҚАЛИ ЧАҚИРИЛАДИГАН ЮҚОРИ КОНТАГИОЗЛИК ХУСУСИЯТГА ЭГА, ЯЪНИ ЧАҚИРУВЧИСИ КЎЗГА КЎРИНМАЙДИГАН ВИРУСДИР.

Сувчечак касаллиги кўпроқ, 2-3 ойликдан 7 ёшгача бўлган болалар мойил бўладилар, юқуш механизми ҳаво-томчи йўли орқали кечади. Бемор билан соғлом одамнинг бир хонада қисқа фурсат ичида бўлиши касаллик юқиши учун кифоядир. Касаллик манбаи бемор одам бўлиб, касалликнинг аширин даврининг охирида 6-8 соатларида хавфли ҳисобланади, тошмалар топиши мобайнида ҳам зарарли бўлиб, тошма тошиб бўлганидан кейин 5 кун ўтиб беморлар атрофдагилар учун хавф туғдирмайдилар.

Касаллик ўткир бошланиб, умумий интоксикация, ҳарорат кўтарилиши, ўзига хос тошма топиши билан характерланади. Организмга нафас йўллари орқали тушган вирус қонга ўтади ва терига жойлашади. Авалл капиллярлар кенгайиши натижасида қизил

доғ пайдо бўлади, сўнгра шиш натижасида доғ дўмбоқчага айланади, бу дўмбоқча сувланади. Вирус кўпайиши ва организм аллергик ҳолатдан ўзгартирилиши натижасида иситма ва бошқа умумий захарланиш белгилари юзга чиқади, қичиш безовта қилади. Касалнинг яширин даври 14-17 кун, айрим ҳолларда 21 кун бўлиши мумкин. Сувланган везикула ёрилганда ўрнида қонли пўстлоқ ҳосил бўлиб, пўстлоқ 2-3 ҳафтага бориб тушиб кетади.

Тана терисидида бир вақтнинг ўзида ҳам доғ, дўмбоқча, сувли везикула ва пўстлоқни кўриш мумкин. Иситма даври 8-10 кунгача чўзилиши мумкин. Бу касаллик билан катталар ва ҳомилалар аёллар ҳам касалланиши мумкин, уларда оғир ўтади. Касаллик ҳар хил ёшдаги болалар орасида турлича намойён

бўлади. 1 ёшгача бўлган болалар сувчечак билан камроқ касалланадилар (бу ҳол пассив иммунитет ва ташқи муҳитда кам бўлиши билан тушунтирилади). 1 ёшдан кейин касалланиш даражаси кескин ортади ва 4 ёшда ўзининг юқори кўрсаткичларига етади. Сувчечак кўпинча осон кечади, аммо иммуно танқислиги бўлган беморларда оғир кечиб, турли асоратларга сабаб бўлади.

Мия магзининг шамоллаши — энцефалит, микродарт-юррак састалиги, зотилжам касаллиги ва ҳоказо асоратлар бериши мумкин. Сувчечак билан оғиргандан сўнг беморларда мустаҳкам иммунитет қолади. Бу касаллик кўпинча қишнинг декабрь ойида ва айниқса январь-апрель ойларида ўчрайди. Сувчечак билан касалланган 7 ёшгача бўлган болалар (бемор билан яқин бўлганлар) 21 кун мобайнида бошқалардан ажратиб қўйилиши керак. Умуман, сувчечакка қарши курашиш учун болалар муассасаларига ва касалхоналарига четдан келган кишиларнинг киришига йўл қўймастик, шахсий ва жамоат илғи кўймасига амал қилиш зарур.

Жаннатхон ҲАЙДАРОВА, олий тоифали шифокор

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-206

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Ширк» нашриёт-матбас акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6